O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 йил 1 сентябр, жума	№ 35-36 (187-188)	Сотувда эркин нархда

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ МУҚАДДАС АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улуғ, энг азиз байрам - мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг букилмас иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намоён бўлмоқда.

Бугун амалга оширган улуғвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттик боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечишимиз даркор.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз аввало ўзимизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нималар тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўлларини яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуғ аждодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

«Авесто» каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бухоро ва Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хивадаги, Насаф ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона водийсини кезганда, муаззам пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамолини кўрганда қалбимизда биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: бизким – Ўзбекистон халқи, ана шундай улуғ зотларнинг авлодимиз, ана шундай беқиёс салоҳият эгаларимиз, олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақлимиз ва ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суяниб буюк марраларга эришмоққа қодирмиз.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш – биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб яшаши, тадбиркорлик, ташаббус, изланиш, ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш – ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири – бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш - умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бугунги кунда ён-атрофимиздаги аҳволни теран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо ҳушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш – ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим!

Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:

– Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз – юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўксини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарларимизни, барча ҳарбийларимизни бугунги байрам билан ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларни вояга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош эгаман.

Азиз дўстлар!

Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туфайли омон чиққан.

Бугун кўпмиллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллиқнинг қадр-қимматини айниқса чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан она заминимизга чирой бағишлаб, ёруғ ният ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзгу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бундай халқнинг олижаноб орзу-умидлари ижобат бўлгай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлгай, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу қутлуғ оқшомда донишманд отахонларимизни, мунис онахонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни – бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам – Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!

Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!

Мукофотлар муборак

Куни кеча Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармонга биноан мукофотланганлар орасида республикамиз адлия тизимида фидокорона меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам борлиги қувончлидир.

Қашқадарё вилояти судининг судьяси **ВАКИЛОВ Рискиддин Абдулхакимович** *"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"* унвони билан тақдирланди. У 1943 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида таваллуд топган. 1973 йилда ТошДУни тугатган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. 1962 йилда қурилиш трестида ишчи, 1973 йилдан адлия тизими соҳасидаги фаолияти бошланган. 1985 йилда Қарши шаҳар судининг судьяси лавозимига тайинланган. 1986 йилдан ҳозирги кунга қадар Қашқадарё вилояти судининг судьяси лавозимидадир.

Сирдарё вилояти Адлия бошқармасининг бошлиғи **ДАДАБОЕВ Тўлан Турсунович** *"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"* унвонига сазовор бўлди. Т. Дадабоев 1938 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. 1963 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1963 йилда Андижон туман прокуратурасида стажёр-терговчиликдан бошлаб, 1993 йилгача Сирдарё вилояти суди раисининг ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1993 йилда Сирдарё вилоят Адлия бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи **МИРСАМАДОВ Мирфайзи Миряхъяевич** *"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"* унвони билан тақдирланди. У 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. Адлия тизимидаги меҳнат фаолиятини 1975 йилда Адлия вазирлигининг Қонунчилик бошқармасида катта мутахассисликдан бошлаган. М. Мирсамадов 1995 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист **МУХИТДИНОВА Халима Қодировна** *"Меҳнат шуҳрати" ордени* билан мукофотланди. У 1916 йилда Наманган вилоятининг Уйчи туманида туғилди. 1944 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатди. 1949 йилда Ўзбеистон Адлия вазирининг Кадрлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. 1960-72 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари, 1972-82 йиллар давомида Олий суд Раиси лавозимларида ишлади. У 1982 йилдан ҳозирга қадар Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосаридир.

Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар судининг раиси **МАТЧАНОВА Салима Авлияқуловна** *"Дўстлик" ордени*га сазовор бўлди. С. Матчанова 1955 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида туғилган. 1979 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1972 йилда бошлаган. Адлия соҳасидаги фаолиятини 1979 йилда Зарафшон шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида адвокатликдан бошлаб, ҳозирги кунда Учқудуқ шаҳар судининг раиси лавозимидадир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармасининг бошлиғи **АХМЕДОВ Абдухалим Абдураимович** *"Шуҳрат" медали* билан тақдирланди. У 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1988 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Андижон вилояти судида суд мажлиси котиблигидан бошлаган. 1996 йилдан ҳозирги вақтгача Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармасининг бошлиғи лавозимида сидқидилдан ишлаб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг 1 йиллиги Нишони соҳиби.

Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати раёсати раисининг ўринбосари **ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна** *"Шуҳрат" медали*га сазовор бўлди. Г. Ишанханова 1962 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъатининг аъзоси сифатида бошлаган. 1994-99 йилларда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳуқуқий маслаҳатхонасининг мудири бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Адвокатлар раёсати раисининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилмоқда.



Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан улуғ айём арафасида кўплаб ижодкорлар, фан ва маданият арбобларимамлакатимизнинг юксак мукофотларига созовор бўлишди. Улар орасида ҳамкасбимиз – "Ҳаёт ва қонун" юридик журнали ҳамда "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси Бирлашган таҳририяти бош муҳаррир ўринбосари РАУПОВ Сирожиддин Пўлатович ҳам бор. У "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган, адлия тизимида меҳнат қилаётган бу фидоий ходимларни самимий муборакбод этамиз. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, келгусидаги ишларида янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси

30-31 август кунлари Тошкент шаҳрида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Мустақиллик шарофати

ҚАЙТА ҲАЁТ БОШЛАДИ

Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ҳудудида "Тошкент-Зарафшон" катта тракти ёқасида Мирбозор қўрғони жойлашган. Жойнинг номланишидан бозор билан боғлиқлик борлиги сезилиб турибди. Тарихий манбалар ва ривоятларда айтилишича, "Буюк ипак йўли"да жойлашган Мирбозорда XX аср бошларигача катта жаҳон бозори бўлган. Мағрибу Машриқдан келган кўплаб савдогарлар карвонсаройларда кўним топиб, савдо ишлари билан шуғулланган. Чор Россиясининг истеълосидан сўнг советлар даврида савдо карвонларининг йўли тўсилди. Ҳар куни минглаб одамларни, турли миллат вакилларини бағрига олган бозор шу тариқа ўз-ўзидан тугаб кетди.

Мустақиллик туфайли қадимда юрт кўзгуси сифатида одамларни ўзига жалб этган Мирбозор яна қайта ҳаёт бошлади.

- Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз қадр топди, - дедий туман ҳокими А.Жамилов. - Тарихимиз қайта тикланаяпти. Мирбозор бозорини қайтадан тиклаш муддаомиз эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 июнда қабул қилинган "Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги фаолиятни янада жонлантириш йўл-йўриқларини кўрсатиб берди. 407-механизациялашган кўча қурилиш колоннаси, 10-қишлоқ қурилиш комбинати, "Парвоз" жамоа корхонаси сингари бинокорлар икки гектарлик бозор ҳудудидақарийб 16 миллион сўмлик қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишларини бажардилар. Яқин вақтлар ичида бозор ҳудуди янада кенгаяди. Автомобиллар тўхташ майдони барпо этиш учун икки гектар ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошланди. Мол бозори учун эса бир гектар ер ажратдик.

Агар ўтган йили Мирбозор улгуржи мева-сабзавот ва товар савдо бозорида атиги 200 ўрин бўлган бўлса, ҳозирда 500 нафар тижоратчи, ҳунарманд ёки деҳқон ўз маҳсулотини бу ерда савдо қилиш имкониятига эга. Бозорда 26 та ошхона, 13 та гўшт дўкони, кўплаб маиший хизмат нуқталари ишлаб турибди. 200 дан зиёд хусусий дўконлар қурилмоқда. Бозорнинг келажагига ишонч, мулкининг музлаб қолмаслигига кафилликдан бўлса керакки, масалан тадбиркор Азим Хўжаев ниҳоятда бежирим услубда икки қаватли хусусий ошхона барпо этди. Тадбиркор қурилиш ва пардозлаш ишларига икки миллион сўм сарфлади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бозор маъмурияти патта тушумлари ва бир йўла тўланадиган тўловларни йиғиш, бюджетни бойитиш ва ана шу тушумлардан йиғилаётган маблағлар эвазига бозор фаолиятини янада жонлантириш ҳаракатини кўрмоқда. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари солиқ қонунчилиги, СЭС ходимлари эса санитария қонунчилигини талаблари бажарилишини назорат қилиб туришибди.

Ҳа, мустақиллик ҳар гўшага ўзлигини қайтариб берди. Мирбозор бозори истиқлол туфайли унинг шарофатидан яна қайта ҳаёт бошлади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ

Суратда: бозор кўриниши ва ҳаётидан лавҳалар.

ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТ АДОЛАТ ҚЎРҒОНИДА КАМОЛ ТОПАДИ

Байрам сўровномаси

Суҳбатдош ҳақида: Тошпўлатов Карим Қобилович 1956 йилда Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факултетини тамомлаган. 1978-89 йилларда Ички ишлар органларида бош терговчи, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1989 йилдан суд соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1999 йилдан бошлаб Қашқадарё вилоят судининг раиси. Оилалик, икки қиз бир ўғилнинг отаси.

— Карим Қобилович, маълумки суд-ҳуқуқ ислоҳати, аввало, судларни тўла мустақиллика эришиши билан тўла амалга ошади. Айни шу хусусда вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам, судларимиз мустақиллигирлар. Судларнинг мустақиллиги Республикамиз Конституциясининг 106 моддасида "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадилар", - деб белгилаб қўйилган. "Судлар тўғрисида"ги Қонунда янада мустаҳкамланган. Чунки судьялар мустақил бўлгандагина ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладилар. Шунингдек, Республикамиз Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Олий Мажлис қошида Суд-ҳуқуқ соҳасида ишчи гуруҳи ташкил қилинди. Бу ишчи гуруҳи суд ислоҳатини амалга ошириш борасида анчагина ишлар қилди. 2000 йил 7 июл куни Олий Суднинг Пленуми томонидан судяларни ихтисослаштириш бўйича қабул қилинган қарор республикада суд ислоҳотини амалга ошириш борасидаги дастлабки қадам бўлди. Ислоҳотлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, вилоятдаги барча судяларнинг, суд ходимларининг қонунларга сўссиз риоя қилишлари ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритишларини таъминлаш, жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш, борасида бир қанча ишлани амалга оширмоқда. Шунингдек, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш мақсадида матбуот ва телевиденияда доимий равишда мақола ва чиқишлар уюштирмоқда. Бундан ташқари, қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 1999-2000 йиллар давомида вилоятдаги туман ва шаҳар судлари томонидан кўрилган бир қанча жиноят ишлари чақириб олиниб, вилоят суди судялари томонидан ўрганилди, 400га яқин шахсларнинг жиноят ишлари янги қонунларга мувофиқлаштирилди ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.

—"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг миллий дастури"да Қонунни бузган шахс жазосиз қолмаслиги, ҳар бир фуқаро бузилган ҳуқуқини талаб қилишга ҳақли эканлиги айтилаган...

—Фуқароларнинг Ҳуқуқий онги етарли даражада ривожланмаган давлатда демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий онги юқори даражада бўлсагина, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларини паймол қилиш ҳолатлари камаяди. Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий онгини ошириш, ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли тизимини яратишдан иборат. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бузилган ҳуқуқини талаб қилиши учун етарли манбалар яратилган. Амалдаги фуқаролик кодекси, Меҳнат кодексининг бир неча моддалари, шунингдек 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Автомобил тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор Қонунларда шахсга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш қоидалари ўз ифодасини топган.

—Айбдорларга жазо тайинлашда меёрдан ошириш ёки пасайтириш ҳолларига муносабатингиз?

—Албатта судялар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллашда қонун талабларини бусмасдан унга қатъий риоя этишлари -одил судлов юритишнинг энг муҳим кафолатидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси катта бўлмаган жиноятлар содир этган, жамиятдан ажратилмаган ҳолда тарбиялаш мумкин бўлган шахслар айниқса аёллар ва вояга етмаганларга, шунингдек иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этган бўлсада, бироқ етказилган моддий зарани тергов ва суд жараёнида ихтиёрий равишда тўлиқ тўлаган шахсларга нисбатан вилоят судялари томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўллаш ҳолатлари аниқланди. Бундай ҳолат Қонунда белгиланган одиллик принципини бузилишига олиб келади. Шунинг учун биз бундай ишларни назорат тартибида кўриб чиқиб, юқорида қайд этилган шахсларга нисбатан жиноят қонуни санкциясида кўрсатилган—озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўлладик.

Вилоятда барқарор вазиятни бузмоқчи бўлганлар, экстремистлар, шунингдек, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ўта оғир жиноятлар содир қилган шахсларга ва бошқа хавфли рецедивистлар, жиноий гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари нисбатан жазо тайинлашда қонун кучидан фойдаланиб, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига амал қилиб келмоқдамиз.

—"Инсон ва қонун" газетасига тилакларингиз?

—"Инсон ва қонун" газетаси республикамизда фаолият кўрсатаётган ёш нашрлардан бири бўлишига қарамасдан мухлислари кўп. Ушбу газетани нафақат маъмурий идоралари ходимлари, балки мамлакатимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган фуқароларимиз ҳам севиб ўқишади. Ўқувчиларингиз сони яна ҳам кўпайишини истаб қоламан. Энг азиз, энг табаррук байрамингиз муборак бўлсин, қадрли елкадошлар!

Суҳбатдош: Ғози РАҲМОН, "Инсон ва қонун" мухбири.

САВОЛ ? ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-бандида "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади" дейилган. Ҳудудий ҳокимият органи томонидан тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахс солиқ органидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатган тақдирда унга нисбатан Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-банди ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 176-моддаси 1-қисми қўлланиладими? Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахснинг ҳудудий ҳокимиятдан давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолиятини амалга оширгани аниқланганда-чи?

Элбек МАМАТҚУЛОВ, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахс мавжуд қонунчиликка кўра, ҳудудий ҳокимиятдан давлат рўйхатдан ўтиб, тегишли тўловларни амалга ошириб, товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш патентига эга бўлгандан сўнг тадбиркорлик мақомига эга бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахснинг ҳудудий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтмасдан, яъни лицензия олмасдан фаолият кўрсатаётгани аниқланса, у Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 176-моддаси 1-қисмига асосан, жавобгарликка тортилиши мумкин. Ушбу шахсга нисбатан Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-бандида кўрсатилган молиявий жариманинг қўлланилиши мумкин эмас. Чунки айбдор шахс бу модданинг субъекти ҳисобланмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тадбиркор Солиқ кодексининг 12-моддаси 1-банди талабларини бажариши шарт. Тадбиркорнинг солиқ органидан рўйхатдан ўтмаслиги уни қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишдан маҳрум қилади. Тадбиркор юқоридаги талабларни бажармаса, унга нисбатан Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-бандига асосан, молиявий жарима қўлланилади.

Жавобни ҳуқуқшунос Баҳодир МУСАЕВ тайёрлади

Ишонч билан айтиш жоизки, Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўз хизмат бурчини астойдил уддалаётган божхоначиларимизнинг фидоийлиги туфайли моддий бойликларимизнинг четга олиб чиқиб кетилишининг олди қатъият билан тўсилаяпти.

Тошкент АЭРОихтисослаштирилган божхона мажмуаси 1-пости жамоаси ҳам жисмонан бақувват, ҳам маънавий жиҳатдан етук ходимлардан таркиб топган.

Суратда: Катта лейтенант Ориф НУРНАЗАРОВ ва лейтенант Жамол ЗАХРИДДИНОВлар ўзаро мулоқотда.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

ФИДОИЙЛАР ЮРТИ БУ...

Инсон ҳамиша яхши ниятлар, умидлар билан яшайди, бунёдкорлик, яратувчилик сари интилади. Шукурки, бизга Аллоҳ Ўзбекистондек юртни ато этган. Шу Ватанни севиб яшаш, уни авайлаб-асраш ҳар бир фуқаронинг эзгу нияти.

Афсуски, сўнгги пайтларда Ватанимизнинг айрим сарҳадларига бостириб кирган ёвуз ниятли кимсалар юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка рахна солишга, уринмоқда. Лекин улар мақсадларига эриша олмайди. Чунки мустақиллик нима эканлигини англаган халқ хеч қачон бунга йўл қўймайди.

Мустақиллик биз учун бебаҳо неъмат! Уни қўлдан бермаслик, мустаҳкамлаб бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўзбеклар табиатан очиқкўнгил, меҳрибон ва саховатли халқ. Унинг меҳмондўслигини хориждан келган не-не инсонлар эътироф этмаган дейсиз! Аммо, бад ниятлар билан шундай қутлуғ остонага қурол кўтариб келганларга шафқат йўқ.

-Барча қийинчиликларга чидаймиз, зарур бўлса, кечаю кундуз ишлаймиз, ҳатто қўлимизга қурол олиб, жанг қилишга ҳам тайёрмиз,- дейди қўллари қадоқ ўзбек деҳқони, - лекин Ватанимиз тинчлигини бузишларига йўл қўймаймиз.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги террорчиларга қарши курашларда ҳалок бўлган йигитларга бағишланган лавҳаларни телевизорда кузатиб бораяпмиз. Оналарнинг, оталарнинг кўз ёшларига чидаш қийин. Босқинчилар нахи ўзларини ҳам шундай оналар туққанини, шундай оталар вояга етказганини унутишган бўлса?

Жонажон Ўзбекистонимизни, Мустақиллигимизни, тинчлигимизни авайлаб-асраш халқимизнинг энг олий мақсадидир. Юртмизнинг ҳар бир фуқароси шу мақсад йўлида жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Зеро фидоийлар яшайдиган юрт ҳеч қачон хор бўлмайди.

Салима ҚИЛИЧЕВА

Айтсам тилим...

БЕПИСАНДАЛИК

Ижодкорлар орасида "Журналистни оёғи боқади" деган ҳазиломуз гап юради. Бу бежиз айтилмаган. Чунки журналистларимиз қайси соҳада ижод қилмасинлар, асосан, халқ ичида юрадилар, юртма-юрт кезадилар, ҳар куни биз журналистлар турли касб эгалари, корхоналар раҳбарлари ходимлари билан мулоқотда бўламиз. Суҳбатдошларимиз орасида матбуотни қадрлайдиганлари, ўз муаммо, ютуқ ва режалари билан минбарга чиқишга журъат топадиганлари билан бир қатор, матбуотнинг моҳиятини чуқур англамайдиганлари ҳам учраб туради. Баъзи корхона раҳбарлари матбуотда чиқишни ўз-ўзини тарғибот қилиш, деб тушунишади, чамамда. Акс ҳолда корхонага қўнғироқ қилиб, мулоқотга таклиф қилган журналистга қўпол муносабатда бўлмас эдилар. Шу йилнинг 24 июл куни пойтахтда жойлашган "Улуғбек-Процезион" қўшма корхонасига қўнғироқ қилдим. Мақсадим "Якшанбада 50 дақиқа" эшиттириши учун корхона кишиларининг меҳнат таътилларида дам олишлари қандай уюштирилаётгани ҳақида ёзиш эди. Телефон гўшагини кўтарган киши, корхона раҳбари Мурод Усмонов экан.

Бу корхонанинг фаолиятини бундан 5-6 ой илгари ҳам "Иқтисодиёт чорраҳаларида" эшиттиришининг "Хорижда ҳамкоринг бўлса" саҳифаси орқали ёритган эдик. Ушанда Усмонов менда яхши таассурот қолдирган эди. Бу сафар унинг кайфияти ёмон эканми, мақсадимни баён этгач: "Шу, бизни тинч қўйсангизлар. Бир "Давр"дан, бир газетадан... менимча, ҳадеб ўзини-ўзи реклама қилиш тўғри келмаса керак", деб жавоб қилди. "Тўғри, сизнинг корхонангиз ҳақида илгари ёзган эдим. Аммо бунга кўп бўлди. Ҳозир эса мени ишчиларингизнинг дам олиш шароитлари қизиқтиради", дедим. "Ҳа энди, ҳеч бўлмасам 3 йилда бир келинглар, илтимос. Биз ҳақимизда кўп ёздинглар, бошқа корхоналарни ҳам ёзинглар энди", деб қолди заҳархандалик билан Усмонов.

Корхона раҳбарининг пичинги, очиғи, нафсониятимга тегди. Қизиқ, унинг корхона раҳбари сифатида ахборот олиш учун мурожаат қилган журналистга нисбатан бундай "кўрсатма" бериши оддий муомала маданиятига тўғри келармикан?! Қолаверса, М. Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаатчилик фаолиятини тартибга солувчи "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида кўрсатилган "журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга", деган 9-моддасидан хабардормикан?

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярими якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида Республика Президенти жуда кўп долзарб муаммолар қатори айрим корхона раҳбарларининг оммавий ахборот воситари ходимларига нисбатан баъзан беписандлик билан муносабатда бўлаётганликлари ҳам тилга олиб ўтди. Президент барча мансабдор шахсларни журналистларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ва керакли ахборотни олишда тўсиқ бўлмасликка чақирди. Бу ғамхўрлик барча ижодкорлар қатори мени ҳам илҳомлантирган, қувонтирган эди. Орадан кўп ўтмай "Улуғбек-Процезион" корхонаси раҳбарининг нописанд муомаласидан хайрон бўлдим. Ёки Мурод Усмонов Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузасидан бехабарми?

Нима бўлганда ҳам бу раҳбарнинг матбуотдан қочиши сабабларини тушуниш қийин. Айниқса, Мустақиллик байрамимизнинг 9 йиллиги олдидан мамалакатимиздаги қўшма корхоналарнинг ютуқларини элга танитиш, иқтисодий имкониятларимизни кўрсатиш долзарб бўлиб турган бир пайтда бундай муомала ҳечам ўзини оқламаса керак, деб ўйлайман.

Мавлуда АНОРБОЙ қизи, журналист

"Адолат"нинг янги нашрлари

РАҲБАР, КАДРЛАР ХИЗМАТИ, АҲОЛИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Адолат" нашриёти миллий мустақиллигимиздан сўнг қабул қилинган меҳнат, хизматга оид қонунлар асосида ҳужжатларни юритишни ўргатувчи "Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари" номли китобни 10 минг нусхада босмадан чиқарди.

Ушбу услубий қўлланма тарзида чоп этилган китоб сурхондарёлик ҳуқуқшунос Камол Қодиров томонидан тайёрланган бўлиб, унга юридик фанлари доктори, ТДЮИ профессори Бобоқул Ибратов сўзбоши ёзган.

Қўлланма барча идора, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, кадрлар билан ишлаш хизмати ходимлари, барча тоифа меҳнат ва хизмат қилувчи учун жуда керакли ва ёрдамчи бўла олади. Умуман ҳар қандай ҳужжатни расмийлаштиришга ўргатади. У хоҳ буйруқ, хоҳ ариза, хоҳ далолатнома, хоҳ бошқа расмий ҳужжат бўлсин, ходим ва фуқаро елиб-югуришини осонлаштиради.

Тўпламдан меҳнат шартномалари тузиш, тарафларнинг моддий жавобгарлиги, хизмат сафарлари, меҳнат дафтарчалари юритиш, жазо бериш ёки рағбатлантириш каби ҳолатларни расмийлаштириш намуналари ўрин олган.

Бизнингча, ушбу китоб ҳар бир раҳбар, идора ходими, юристи, қолаверса, ҳар бир фуқаро учун керакли қўлланма бўлади. Уни тўғридан-тўғри Адлия вазирлиги "Адолат" нашриётидан чекланмаган миқдорда, нақд пулга ва пул ўтказиш орқали, шунингдек, республика китоб дўконларидан, матбуот тарқатиш шахобчаларидан сотиб олишингиз мумкин.

Бирлашган таҳририят

Огоҳ бўлайлик!

ЁВУЗЛАРГА ҚАРШИ ҲАМЖИҲАТМИЗ

"Агар улар: "-Кел, бизга қўшил, пистирма қўйиб, қон тўкайлик, айбсизнинг йўлини важсиз тўсайлик, дўзахга ўхшаб уни тириклайин ўз қаъримизга тортайлик. Чуқур каби бутунлайин ютиб юборайлик, ҳар хил бойликларни тортиб олиб, уйимизни ўлжа билан тўлдирайлик...", - деб айтсалар, ўғлим, уларнинг йўлидан юрма, бир қадам ҳам босма. Чунки улар қон тўкишга тайёрдирлар, оёқлари ёвузликка шошилади.

Қушларнинг кўзи олдида тўр қўйиш фойдасиздир. Ёвузлар ўзларининг қони тўкилишини кутадилар, ўзларининг жонларини пойлайдилар. Очкўзлик билан тортиб оладиганларнинг аҳволи шу! Улар ўз ҳаётига зомин бўлади".

Сулаймон Пайғамбар ҳикматларидан

1999 йил 16 феврал куни террорчилар, диний-экстремистларнинг қабиҳ ҳаракатлари натижасида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар ва кейинчалик уларнинг Ангрен, Сариосиё ва Узун тумани ҳудудларига ёвузларча суқилиб киришлари Ўзбекистон халқини, қолверса, бутун дунёдаги тинчликпарвар инсонлар қаҳр-ғазабини келтирди.

Демократия ва тараққиёт йўлидан дадил қадам қўяётган халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги бузилди. Содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида бир неча бегуноҳ кишилар, Ватан фидойиларининг қони тўкилди.

Ёвузлар Ватанни билмайдилар, улар учун акаука, яқин қариндош, ёру биродарлик ришталари узилган. Уларда иймон деган муқаддас туйғу йўқ. Ислом дини шум ниятларини амалга ошириш учун ниқобдир, холос. Улар Пайғамбаримизнинг "Ватанни севмоқ иймондандир" деган сўзларини, Ислом шариатида ноҳақ инсон қонини тўкишлик энг катта гуноҳ эканлигини англамаган эканлар. "Ҳур Ислом давлатини тузиш" деган шиорлари адолатга эмас, балки жаҳолатга етаклайди.

Бойлик, мол-дунё, нопок ишлар инсон онгини азалдан заифлаштириб келган ва бунинг сабаби қиёмат кунигача ҳақ йўлдан адаштирувчи ҳамда дўзах қаърига етакловчи Шайтонга бўйсунишдир. Демакки, Ватанимиз сарҳадларини босиб ўтган террорчилар, диний экстремистлар ёвуз ва қабиҳ ҳаракатлари Шайтоннинг макрига бўйсуниш маҳсулидир.

Президентимизнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" деган сўзлари бежиз юракдан, қалбдан чиққан садо эмас.

Ислом ниқоби остида Ватанимиз тинчлигини бузиб, босқинчилик, талончилик ҳаракатларини содир қилаётга диний экстремистлар ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмаётирлар.

Юртимиз тинчлиги, қардош қўшни халқлар билан осойишта ҳаёт кечириш йўлида, террорчилик ҳаракатларига барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган шу йилнинг 20-21 апрел кунидаги Тошкент саммити ҳамда 20 августдаги Бишкек учрашувлари натижаларга бой бўлди.

Учрашувларда террорчилик, диний экстремизмга баҳо берилар экан, бундай ҳаракатларга чек қўйиш йўлида биргалашиб ҳаракат қилиш, яъни чегара дахлсизлигини сақлаган ҳолда террорчиларни бир қўшни давлатдан иккинчисига бемалол ўтиб юришига барҳам бериш ва бунда ҳар бир давлат кескин чоралар кўришлиги якдиллик билан маъқулланди.

Чунки террорчилик, диний экстремизм билан курашиш биргина давлат ёки битта ҳудуд амалга оширадиган иш эмас. Унинг илдизи бутун дунё бўйлаб тарқалган ва унинг томирини якдиллик, баҳамжиҳатлик билан қирқиб ташлаш мумкиндир.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари билан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда диний экстремистик ва террорчи жиноий гуруҳларни аниқлаш, фош этиш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, йил бошидан буён Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари томонидан маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, мактаблар, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув муассасаларида 200 дан ортиқ шу мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар, тадбирлар ўтказилди. "Ахборот", "Давр", "Оқибат", "Пойтахт" телекўрсатувларида, радиода амалдаги қонунларни тарғиб қилиш ва Президентимиз асарларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш ишлари бўйича бир қатор чиқишлар қилинди.

Ҳуллас, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда фуқароларни, айниқса, ёшларни, аёлларни ғаразли оқимлар таъсирига тушиб, жиноий йўлга кириб қолишларининг олдини олиш учун аҳоли онгига, қалбига Ислом динининг асл моҳияти, ҳақ, иймон, эътиқод масалаларини, Ватанни севиш, ҳар бир қарич ерини авайлаб-асраш, ҳимоя қилиш, ардоқлаш туйғуларини чуқур сингдиришимиз зарурдир.

Низом ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари,
Аброр БЕРДИЕВ,
бош маслаҳатчи

Суд ҳокимияти

ВАЖЛАР АСОССИЗ БЎЛГАЧ...

Бозор иқтисоди шароитига бардош беролмаган хўжаликларнинг аҳволи бир қадар оғирлашиб қолган сир эмас. Хусусан, техника воситаларининг эскирганлиги ёки хўжаликларни ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, бошқара оладиган билимли, тажрибали кадрларнинг камчилиги сабабли баъзи хўжаликлар ана шундай ҳолатга тушиб қолмоқда.

Маълумки, хўжаликлар иқтисодий қийинчилик давридан қанча эрта чиқсалар, уларнинг мамлакатга пахта, ғалла ва пилла маҳсулотлари етказиб бериши шунча ортади, хўжаликлар ўзини тез ўнглаб олади. Бунинг учун эса хўжалик раҳбарлари масъулиятни ҳис этишиб, жамоа аъзолари ишончини оқлашлари лозим.

Албатта, бу мавзу атрофида жуда кўп фикр юритиш, қилинаётган ишларга турли тарафидан туриб баҳо бериш, таҳлил қилиш мумкин. Барча замонларда ҳам омманинг фойдасини кўзлаб иш юритиш чинакам обрў олиб келган. Бундай ҳақиқатан кўз юмиб бўлмайди. Келинг, аниқ мисолларга мурожаат этайлик.

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги "Гулшан" жамоа хўжалиги 1992-1997 йиллар мобайнида 39 миллион сўм зарар кўриб, санацияга тушди. Албатта, санацияга тушиш хўжалик ҳисоб-китобида даромаддан кўра зарар ва харажатлар кўпайиб кетганлигини билдиради. Бундай ҳолатдан чиқиш тадбиркорлик билан иш юритишни талаб этади. Тадбиркорлик эса давр талаби. Тадбиркорлик юртимизнинг гуллаб-яшнашига, одамларимизнинг турмуши тўкин-сочин бўлишига олиб келади. Биз қуйида айрим муаммоларга дуч келган "Гулшан" жамоа хўжалиги ва унинг ишбошилари фаолияти мисолида ўз мулоҳазаларимизни давом эттирмоқчимиз.

М.Жўрабоев ушбу хўжаликка ташқи бошқарувчи, М.Бойматов эса бош ҳисобчи бўлиб тайинланишади. М.Тўрабоев ва М.Бойматов жамоа хўжалиги санацияга тушганлиги, 1998 йил 1 август ҳолатига кўра 4568921 сўм дебитор ва 64842192 сўм кредитор қарзлари мавжуд бўлишига, бунинг устига дебитор ва кредитор қарзлар ошиб кетганлигига қарамай, Президентимиз Фармонларини бузишиб, жиноят содир этганликда айбланишган. Жумладан, "Гулшан" жамоа хўжалиги Фарғона туманидаги "Машраб" хусусий фирмасидан 1998 йил 17 февралдаги 45-сонли юк хати билан 7 феврал 1998 йилдаги 30-сонли ишонч қоғозига асосан Абдурахмонов Турғунбой орқали ҳар бир донаси 50000 сўмдан бўлган 4 дона, 200000 сўмлик 13х38 маркали шиналарни, ҳар донаси 65000 сўмдан бўлган 8 дона, 520000 сўмлик ЭЦВ-6 насослари — жами 720000 сўмлик маҳсулотлар кирим қилинган. Жамоа хўжалиги шу ойда рақамсиз юк хати билан 1-сонли ишонч қоғози орқали, умумий суммаси 1000000 сўмлик 1000 Дал винони, 15 фоизлик тўловини амалга оширмасдан бериб юборган. Натижада 280000 сўмлик дебитор қарз вужудга келган. Бартер асосида ҳосил бўлган 280000 сўмлик дебитор қарзи 1998 йил август ойига қадар чўзилиб юриб, фирма 1998 йил 26 июлда 8-сонли юк хати билан 1 дона, қиймати 280000 сўмлик плуг олиб келиб, ёпганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, 1998 йилнинг 3 сентябр куни рақамсиз юк хати орқали 156-ишонч қоғози билан Янгиқўрғон туманида жойлашган "Марвел-Джус-Ко" қўшма корхонаси хўжалик мудири Нажмиддинов Ҳомидхонга 3420 кг., қиймати 68000 сўмлик ош тузини 15 фоизли тўловини олдиндан амалга оширмасдан туриб бериб юборган.

Янгиқўрғон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига Г.Нуралиев орқали 65-сонли ишонч қоғози орқали 1998 йил 2 апрелда 24-сонли юк хати билан 1 дона "ЕС-18-42" комплект компьютерни 105000 сўмга, олдиндан 15 фоизли тўловини амалга оширмасдан бериб юборган. Октябр ойига келиб жамоа хўжалиги Янгиқўрғон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан 555-сонли ишонч қоғози орқали "К-701" русумли 1 дона 450000 сўмлик прицеп олиб, ўрнига 184-сонли ишонч қоғози билан 221-сонли юк хати орқали 346500 сўмлик 7 дона 260х508 маркали автошиналарни бериб, бартер операциясини амалга оширган.

Биз ушбу мухтасар мақолам изда М.Жўрабоев ва М.Бойматовлар томонидан дебитор ва кредитор қарзлар мавжудлигига қарамай, кўпгина ташкилот ва корхоналар билан олди-берди қилганларига доир барча факт ва рақамларни келтириб ўтишимизнинг имкони йўқ, албатта. Фақат бир нарсани айтиш жоизки, 1998 йилнинг охирига келиб хўжалик бирмунча ютуққа эришганлиги туман миқёсида эътироф этилган. Жумладан, хўжалик санациядан чиқиб, 20 миллион сўм фойда олган.

Судланувчилар ўзлари қилган олди-сотдиларни хўжаликни қарздан қутқариш ва хўжаликка фойда келтириш мақсадида амалга оширганликларини айтишади. Бундан ташқари судда сўроқ қилинган кишилардан бир қанчаси судланувчиларнинг шахсига, уларнинг хатти-ҳаракатларига ижобий баҳо беришган.

Масалан, 1998 йил 1 январ ҳолатига кўра, хўжаликнинг тўловчанлик коэффициенти 0,96 ги тармоқдаги 1 коэффициентдан кам бўлиб, тўловчанлик қобилиятини йўқотган, молиявий аҳволи ночор бўлган ва банкротлик чегарасига келганлигини, 1 январ 1999 йил ҳолатида эса тўловчанлик коэффициенти 3.19 ни ташкил қилиб, 3.31 баробар ўсганини, хўжаликнинг тўловчанлик қобилияти тикланиб, иқтисодий ночор ҳолатдан чиққанини кўрсатади. Ахир, бу катта ижобий ўзгариш-ку.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"ги 11-сонли қарорининг 26-бандида "Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш учун жавобгарлик фақат тўғри қасд бўлганда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш тарзида оқибат юз бергандагина келиб чиқиши" кўрсатилган.

Биз юқорида келтириб ўтган жиноят иши бўйича давлат, жамоат ташкилотларига жиддий зарар ёки жиддий зиён етказилган эмас, бирорта кимса фуқаролик даъвогари деб тан олингани йўқ.

Судлов ҳайъатида жиноят ишида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, оқланганларнинг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар жиноят ишида мавжуд эмас, аксинча бу далилларни тўплашни умуман имконияти йўқ, деб ҳисоблайди, бундай ҳолатда протест важлари нафақат асоссиз бўлиб, балки иш ҳолатларига мантиқан зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 4 июлдаги ажрими билан мазкур жиноят иши бўйича суднинг оқлов ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

Рустам АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси,
Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ,
Олий Суд консультанти

ҲАЛОЛЛИК, АДОЛАТ, ИНСОНЛАРГА ЯХШИЛИК

-иш услубимизда асосий мезонга айланди,-дейди Зангиота тумани суди раиси Гулсара Исаҳонова.

Қонунчилик жамиятимиз ҳаётида ўзига хос ва нуфузли ўринни эгаллайди. Чунки яхши ва ёмон ҳаракатларнинг бари қонун мажмуалари билан баҳоланади. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва ҳар қандай тажовузлардан қўриқлаш ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига юклатилган. Жумладан, Президентимиз И. Каримов иккинчи чақириқ Олий мажлиснинг биринчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида ислоҳ қилиниши керак бўлган асосий йўналишларга тўхталиб, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўзида биринчи навбатда қонунларга амал қилинишини йўлга қўйиш керак, деган фикрни илгари сурди.

1976 йили Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатган Гулсара Исаҳонова иш фаолиятини адвокатликдан бошлади. Сўнг Тошкент вилояти прокуратурасида меҳнат қилди. У қаерда ишламасин, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек, адолатни қарор топдиришдек масъулиятли вазифаларни бажаришда ўзини бурчли деб билди. 1986 йили у Зангиота туман судининг судьяси, орадан бир йил ўтгач эса шу туман судининг раиси вазифасига тайинланди. Энди Гулсара учун яна ҳам сермашаққат кунлар бошланди. Чунки бу вазифада янада маъсулиятли ишлаш, жиноятни қонуний баҳолаб, турли жазо турларини қўллаш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳам зиммасида эканлигини у дилдан ҳис этди. Бу кўп куч-гайрат ва изланишни талаб қилди. Ўз устида қаттиқ ишлади, ўзига топширилган ишларни бор билим ва тажрибасига суяниб бажарди. Ҳалоллик, ҳаққонийлик, қатъиятлилик, инсонларга яхшилик қилиш ва ҳушмуомала муносабатда бўлиш иш услубининг доимий мезонига айланди.

Гулсара Эргашевна тез-тез маҳаллаларга чиқиб, халқ ўртасида очиқ суд мажлисларини ўтказади. Фуқаролик ишлари ва оилавий низоларни кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола қилиб, хулоса чиқаради. Ажрашиш остонасида турган оилаларни яраштиради, бир сўз билан айтганда жамиятимизнинг бир бўлаги ҳисобланган оилани сақлаб қолиш учун бор билими ва истеъдодини ишга солади. Бунда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитасининг раислари ва фаоллар кўмагига таянади.

-Ҳар бир ишга индивидуал ёндашиш керак,- дейди Гулсара Эргашевна, - судья бефарқ бўлиши керак эмас. Суд жараёни ўз қонун-қоидаларига эга. Чунки ҳар бир ишни кўришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жазо белгилашда оиласи, болалари, соғлиғи, жамоат учун хавфли эмаслиги каби ҳолатларга эътибор қаратилиши муҳимдир. Шу билан биргаликда судловнинг одиллиги вояга етмаганлар, аёллар, қариялар, ногиронлар, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятларни содир этган, билиб-билмасдан жиноят кўчасига кириб қолган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда енгилликлар берилишини тақозо қилади. Судда бўлиб ўтадиган воқеалар тергов давридаги хатоларни бартараф қилишга қаратилиши, энг асосийси, ҳақиқатни юзага чиқариши лозим.

Гулсара опа тез-тез жазони ижро этиш колонияларида ҳам иш кўриб туради. Жумладан, у ерда жазони ўтаётган маҳбусларнинг айримларига оғир жазо берилган. Ваҳоланки, уларга енгил жазо тури қўлланилиши мумкин эди. Бундай маҳбусларнинг ишлари қайта кўрилиб, уларнинг оилавий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, баъзилари муддати тугашидан илгари озод қилинади ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилади. Бу ҳам одил судловни амалга оширишдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўпгина ҳолларда ёш аёлларимиз бозорларда савдосотиқ қиламан деб, эри ва мурғак болаларини унутиб, ҳатто оиласи бузилишига сабабчи бўлишмоқда. Оқибатда норасида гўдаклар кўз ёшларининг оқиши, безорилик ёки ўғирлик қилиб жазога тортилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Айбдорлик курсисида ўтирган аёл ёки эркакнинг ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, маржонмаржон кўз ёш тўкишларини кўриб, баъзида қаттиқ нафратланасан киши. Фақатгина ишни кўриб чиқаётган одил судловгина айбланувчининг қилмишларини ҳис қилиб, ишга адолат юзасидан нуқта қўяди.

Юртбошимиз Олий Мажлис сессиясидаги нутқида "Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак" деб бежиз айтган эмас. Йўлбошчимизнинг бу борадаги зукко сиёсати, ишлаб чиқилаётган қонунлар, улар амалиёти устидан олиб борилаётган кузатиш, назорат ва тузатишлар бир мақсадга— мамлакатимизда адолатли ҳуқуқий жамият барпо этишга қаратилган.

Президентимизнинг шу йил 14 августда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони Суд ислоҳотлари самарасини таъминловчи бебаҳо ҳужжатдир. Ушбу Фармонга биноан фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил қилиниши бундай турдаги ишлар кўрилишининг сифатини оширади, одил судловни таъминлайди. Зеро, Фармон суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш каби мақсадларни назарда тутади.

Мақоламиз қаҳрамони Гулсара Исоҳонова ҳам ана шундай буюк мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатаётган, эл-юрт ишончини оқлаётган қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқшуносларимиздан биридир.

Собир ЭРГАШЕВ,
"Инсон ва қонун" махсус мухбири.

Суратда: суд раиси Г. ИСОҲОНОВА шогирди Ҳилола ЎТИНБОЕВА билан.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Оқибат

САРИОСИЁДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР

Мамлакатимиз жанубида рўй берган қонли воқеалар, бир тўда ватанфуруш террорчи, босқинчиларнинг хуружи катта-кичик юртдошларимизнинг чексиз нафратига дучор бўлди. Халқимиз Ватан ва эл тинчлиги ҳимоясига отланган мард, фидоий фарзандларини ҳар дақиқа қўллаб, олқишлаб турибди. Сурхон тоғларидаги дайди ғаламисларнинг барчаси таг-томири билан қуритилади. Бунга иймонимиз комил. Аммо ҳозирги мўъжаз мақолами бошқа мавзуда. Аниқроғи, Сурхон воҳасининг оддий, оқибатли, тадбиркор одамлари ҳақида.

Сариосиё шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган Қурбоной опа Раҳимова вилоятда биринчилардан бўлиб маъсулияти чекланган нотариус хусусий идораси очиб ишлаяпти. Аммо тўрт-беш ёш чоғидаёқ "ким бўласан?" деган саволга гарчи ўзи тушунмаса-да, "прокурор", "юрист" деб жавоб бераркан.

Унинг отаси Шурчи тумани Қўштегирмон қишлоғида бир умр яратувчилик - боғбонлик шарафли касб нонини ҳалоллаб еб ўтди. Шунинг учун-да Қурбоной тумандаги Йўлдош Охунбобоев номли 11-ўрта мактабни 1978 йили аъло баҳоларга битказди.

Тошкентга боришга пул йўқ эди. Қўштегирмонлик Қурбоной тонг саҳарданоқ "колхоз" фермасига сигир соғишга борарди. У ердаги ишларини соат еттига қадар тамомлаб, сўнгра қишлоқ болалар боғчасига тарбиячилик қилгани борарди. Сўнгра яна фермага...

Қурбоной 1984 йили ҳозирги Миллий университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширганида хаёлига эрта кун жуда бой яшайман деган фикр келмади. Чунки, кекса отаси Абдулла бобо болаларини пулга, мол-дунёга ўч қилиб тарбияламаган эди. Бобони ҳамма фарзандлари қатори Қурбоной ҳам қора меҳнатдан қочмас, унча-мунча йигитлар кўтара олмайдиган юкни ердан даст кўтариб оларди. Ахир, у ўша Алпомишнинг, Кўнғиротнинг уруғидан эди-да. Талабалик йиллар ортда қолди. Дастлаб, Термизда иш бошлади, адлия бошқармасида етакчи мутахасис бўлди. Ўқиганларини укди, билди. Билмаганни билганлардан сўрашга тортиниб ўтирмади. Сўраб, қайта-қайта ўқиб билди.

Мана, уч йилки ўзи мустақил равишда иш олиб бормоқда. Қабулига келган ҳар бир мижозни илиқ кутиб олади. Аҳволларини, соғлиғини сўраб-суриштиришдан эринмайди.

Биз Қурбоной опани излаб борганимизда, хушмуомалик билан кутиб олган котибаси Матлубахон:

-Аскарлар хузурига кетганлар, - деди. Дастлаб тушунмадим. Шунда яна котиба жонимга оро кириб изоҳ берди.

-Ахир бугун пайшанба куни. Опамнинг одатлари шундай ўзи. Ҳар пайшанба куни меҳр-саҳоватлик қиладилар. Бугун аскарларимизнинг ҳузурига кетганлар, - деб, девордаги соатга қараб, гапига қўшимча қилди. - Кутиб туринг, келадилар.

Хона айландим. Жуда тартиб билан терилган китоблар. Китобларнинг кўпи табийки, ҳуқуқшуносликка оид.

Кўзим столдаги газета-журналлар тахламига тушиб, улар орасида бир хил сонлардан ташкил топган "Инсон ва қонун" газетасининг икки тахламига қараб, хайрон қолдим. Шунда котиба қизи тушмагур кузатиб турган экан шекилли, яна лўндагина қилиб изоҳ берди.

- Бирон-бир сонини йўқолиб қолишидан қўрқиб...

Нақд йигирма беш дақиқадан сўнг опа келди. Келганда-да жуда хурсанд келдилар. Аскарларнинг қувончи, шодликларидан гўё хона тўлгандек. Бир пасда уларнинг исмини-ю, туғилган юртларигача билиб олишга улгурган Қурбоной опа бирини зукколигини айтиб, бошқасини шўхликларини сўзлаб, бизни-да қойил қолдирди.

Мени одатдаги мижозлардан деб ўйлаган опа, энди гап бошламоқчи эди. Матлубахон:

-Опа, бу акам журналист эканлар, - деб қолди қувноқлик билан.

-Майли-я, аммо бирозгина кутиб ўтиришингизга тўғри келади-да. Мен баъзи бир ҳужжатларни тайёрлаб беришим керак, Матлубага... Айтмоқчи туманимиздан отилиб чиққан шахмат устаси бор. Бегали Саидов деган. Ўшани ёзинг!..

Опа анча вақт ҳужжат ишлари билан машғул бўлдилар.

Бир пайт нимадир юмуш билан қўшни хонага чиқиб кетгач, Матлуба Қурбоной опа тайёрлаган ҳужжатларни бирров кўз югуртириб олиш учун менга "сотди". Банкка пул ўтказиш учун махсус варақадан ўқидим. "Бегали Саидовнинг Хиндистоннинг Бомбей шаҳрига мусобақага бориши учун 30(ўттиз) минг сўм".

Яна бошқа варақага эса, "Тумандаги Фарҳод посёлкасида жойлашган "Мурувват уйи"га кийим-кечак олиш учун 200 (икки юз) минг".

Қарасам, Матлубахондан яхшигина "Соттихон" чиққудек. Опани бир дона суратларини сўрадим. Тортмадан олиб берди...

Қурбоной опа билан хайрлашиб қайтар чоғимда юрагимда фахр туйғусини симирдим. Юртимизда шандай ҳуқуқшунос аёлларимиз борми, демак-ки, юрт обод бўлгусидир.

Камолиддин МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

Сирожиддин Мирзаев Самарқанд вилоят божхона бошқармасига қарашли 2-сонли Жартепа божхона масканида бир неча йилдан бери бош назир бўлиб ишлаб келяпти. У доимо тезкор маълумотлар олишга диққат-эътиборини қаратади. Шунинг учун яқинда 13 та гиёҳвандлик моддалар контрабандасини, 14 та божхона қоидаларини бузиш ҳолати аниқланди.

Ҳуқуқбузарлардан жами 143.250 сўм миқдорида жарима ундиришди. Ҳуллас, жартепалик божхоначилар ўз вазифаларига виждонан ёндашиб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритиб, Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрамини муносиб кутиб олишди.

Суратда: божхона хизмати майори Сирожиддин Мирзаев, чегарачи Усмонали Ғафуров билан ўзаро суҳбатда.(Чапдаги сурат)

Жонбой дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш цехида ишлар мустақиллигимиз шарофати туфайли бутунлай ўзгарди. Ишчилар учун ишлаш, дам олиш шароитлари яратилди. Бу ерда кунига 300-315 тонна сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бунда ун ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Неъматилла Шокиров, бош иқтисодчи Тоҳир Султоновларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Суратда: (чапдан) Бош иқтисодчи Тоҳир Султонов, цех бошлиғи Неъматилла Шокиров билан "пулть" ишлашини кўздан кечиришяпти.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Куй-қўшиқлар тинчлик нишонасидир



Таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимовнинг ўзига хос овози, сермазмун, дилрабо қўшиқлари тингловчиларга олам-олам туйғулар, кечинма-ю, хаёллар бахш этади. Зеро, унинг ижодида тарих ва бугун, анъанавийлик ва замонавийлик, мушоҳада ва илҳом серқирра ифодасини намоён этади. Истеъдодли санъаткоримизнинг айни кунларда кўнглидан кечаётган фикр-мулоҳазалари, ижодий кузатишлари муштарийларимиз учун қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

- Маҳмуджон ака, Мустақиллигимизнинг 9 йиллик айёми арафасида Сиз билан учрашиб турибмиз. Табиийки, бундай дамларда инсон кўп нарсаларни хаёлидан ўтказади...

- Мустақиллик шодиёнаси энг улуғ, энг азиз байрамимиз. Ўтган 9 йил ичида амалга оширилган ижобий ўзгаришларни кўриб, менинг ҳам барча ватандошларимиз қатори Юртбошимизга раҳмат дегим келади. Ахир, биргина маънавият соҳасида, маданият-санъат борасида қанчадан-қанча эзгу ишларга Президентимизнинг шахсан бош-қош бўлганликлари барчага маълум. Юлдуз Усмонова, Муножат Йўлчиева, Турғун Алиматов каби ҳофизларимиз чет элларда санъатимиз довруғини янада оширишди. "Шарқ тароналари" фестивалининг шуҳрати йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Шу каби хосиятли воқеалар мустақиллик шарофати билан рўй бераётганлигини ҳаммамиз юракдан ҳис қилиб, англаяпмиз. Бу халқимизнинг бахт-саодати, ёруғ толеидан ёрқин далолатдир. Шу боисдан ҳам Ватанимиз равнақини, элимиз камолини кўролмай, ғаламислик қилаётган манфур кимсалар кишиларнинг қаҳру ғазабига дучор бўлиб, ланъатларга қолмоқдалар. Юртбошимиз, давлатимиз бор экан, улар бузғунчилик ниятларига етолмасликларига ишончим комил.

Жамиятимиздаги барча соҳаларга тегишли бўлган улкан ўзгаришлардан бири — буюк аждодларимизга нисбатан ҳақиқатда муносиб тарихий адолатнинг тикланганлиги. Улуғ бобомиз Амир Темур ҳазратлари нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда янада юксак иззату эъзозга сазовор этилмоқда. Имом Бухорий, ат-Термизий, Бурҳониддин Марғилоний, Имом ал-Мотуридий каби зотларнинг улкан мероси янадан-қадр-қимматини топаётганлиги ҳам ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги интилишларимизга ҳамоҳанг, пайваста деб ўйлайман. Соҳибқирон бобомизнинг "Куч — адолатда" шиори миллий давлатчиликни барпо этишда бебаҳо манба — "Темур тузуклари" айни даврдаги қонунчилик, ҳуқуқ соҳасидаги кўплаб шарофатли ишларга ҳам рағбат уйғотиб, илҳомлантира олишга қодирдир.

- Айнан шу илҳомланиш хусусан Сизнинг ижодингизга қандай таъсир кўрсатаяпти?

- Юртимизда юз бераётган қутлуғ ишлар албатта, мени ҳамиша руҳлантириб, янги ижодий ишларга чорлаяпти. Соҳибқирон Амир Темур, шунингдек, шону шавкатли темурийзодалар — Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ҳақидаги қўшиқларим репертуаримдан мустаҳкам ўрин олган. Истиқлолимиз йўлида жонларини фидо этган улуғ инсонлар — Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби аждодларимиз ҳақида яратилган қўшиқлар ҳам мухлислар эътиборини қозонди. Ҳозирда бастакор дўстимиз Мирҳосил Азизов билан янги қўшиқлар дастури устида иш олиб бораяпмиз. Насиб этса, шу йил янги концертимизни мухлислар имтиҳонидан ўтказиш ниятидамиз.

- Мухлисларингиз қаторида албатта ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлайдиган кишилар ҳам бўлса керак...

- Мени шу нарса жуда қувонтирадики, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот идораларида меҳнат қилаётган юртдошларимиз орасида санъатни, қўшиқчиликни яхши тушунадиган, маданиятли кишилар кўп. Хизмат тақозоси билан турли тадбирларда, тўй-ҳашамларда улар билан тез-тез кўришиб тураман. Юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида улар кечани кеча, кундузни кундуз демай, фидойилик қилишмоқда. Бу ғоятда сермашаққат, ўта масъулиятли вазифа. Уларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари, чекаётган заҳматлари халқимизнинг бугуни ва эртаси нурафшон бўлишига пойдевор яратмоқда. Яқинлари орасида ҳуқуқшунос ёки шу йўналишдаги соҳа вакили бўлган киши буларни юракдан ҳис қилади.

- Сизнинг оилангизда ҳам ҳуқуқшунослар борми?

- Биз оилада беш фарзандмиз. Тўнғич акамиз Баҳодир Маҳситов ҳуқуқшунос бўлиб танилганлар, Республика Адлия вазирининг муовини вазифасида ҳам фаолият кўрсатганлар. Биз укаларни қонунларга, жамиятдаги ҳуқуқ-тартибот тизимига тўғри муносабатда бўлишга акамиз ўргатганлар. Ҳозир ҳам оқилона маслаҳатлар бериб келадилар. Амакисига ҳавас қилиб бўлса керак, кенжа қизим Нигорахон ҳуқуқшунослик йўлини танлади. Ҳозир Тошкент юридик коллежида таҳсил олмоқда. Худога минг қатла шукрки, падари бузрукворимиз ва волидаи муҳтарамамиз соғу саломатлар. Уларнинг иззату эъзозини қилиб, дуоларини олиш мен учун энг катта бахт. Рафиқам Нафиса Азимова уй бекаси. Икки қиз, икки ўғлимиз бор. Битта неварали ҳам бўлганмиз. Эзгу орзуларимиздан бири фарзандларнинг камолини, орзусини кўриш. Шунинг учун қайда бўлмай, ҳамма вақт нимаики яхшилик, эзгулик кўрсам, шуларга ҳамма қатори мени ҳам етказишинй Оллоҳ таолодан сўраб, ниятиқиламан.

- Шу яқин орада кўнглингизда эзгу ниятлар уйғоттан воқеа ҳақида айтиб бера оласизми?

- Бажонидил. Сиз билан учрашгунга қадар йўлдан жуда кўп автомашиналар қатнаётганини кузатиб турдим. Никоҳдан ўтишга отланган келинкуёв, уларнинг яқинлари бор машиналар ўтди. Бу ахир, эртанги тўйлар, куй-қўшиқлар, қувончли кунлар дегани. Янги оилалар, фарзандлар дегани-ку! Бу юртимизнинг осойишталиги, фаровонлиги нишоналари-ку! ФҲДЁ идоралари ходимларига шу жиҳатдан ҳавас қилса арзийдики, улар кўпинча ҳар бир инсон ҳаётидаги шодиёналарига, бахтли воқеаларига шерик бўлишади. Илоҳим, шундай эзгу лаҳзаларда иштирок этиш ҳаммамизга насиб этаверсин.

Нигора ДУШАБОЕВА суҳбатлашди.

Суратда: хонанда фарзандлари даврасида.

Ўзбекистон истиқлолининг 9 йиллик айёми билан барча юртдошларимизни самимий қутлаймиз.

Уларни мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш осмон билан бўйлашган Бойсун тоғларини, унинг бағридаги 75 минг гектарлик хушбўй арчазорларини, ўрмон ичида юрган айиқ, бўри, қор қоплонлари, сайроқи какликлари-ю, турфа жониворларини севиш ҳамда авайлаб-асрашга чақирамиз.

Бойсун ўрмон хўжалиги жамоаси

Ҳуқуқшунос илҳоми

ДАФЪАТАН ҚЎЗҒОЛДИ ЮРАКЛАРДА ОР

Юз йиллар қаърида кулфатга боқиб,
Ҳурликка эришган Ватаним-жоним,
Нур-зиё таратган нишонин тақиб,
Истиқлол машъали ёнган маконим.
Мустақил юртимнинг тиниқ осмонига
Қузғунлар айламоқ бўлдилар ғубор...
Қасд қилма... ўғлонлар руҳи-жонига —
Дафъатан қўзғалди юракларда ор!
Яна қанча ғазаб, яна қанча ғам,
Ташвиш келтирмоқчи бўлар маҳлуқлар.
Юраклар, бағрлар қон бўлсалар ҳам
Жаҳолат йўлатмас марду содиқлар.
Тилга кирар тилсим, оламу жаҳон,
Шаҳид кетганларнинг садоларидан.
Тириклар кўкраги Ватанга қалқон,
Дунёлар титрайди урҳоларидан.

Шаҳодат УСМОНОВА, Тошкент шаҳри

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМИМИЗ БИЛАН БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ, БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ЭЛ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН-СОЧИН ҚИЛИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА ТЕР ТЎКАЁТГАН БИРОДАРЛАРИМИЗНИ ЧИН ЮРАКДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МЎЪТАБАР БАЙРАМЛАРИ, ТЎЙ-ТАНТАНАЛАРИ ҲАМИША ШОДУ-ХУРРАМЛИК БИЛАН НИШОНЛАНАВЕРСИН!

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Ғаллаорол Паррандачилик ҳиссадорлик жамияти жамоаси

МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ

Одам танасида қориндан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарур бўлса, қорининг учдан бирини овқатга, яна учдан бирини сувга, қолган учдан бирини нафас олишга ажратсин.

***

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

***

Инсон фарзанди яратилганда ёнида 99 та ўлим сабаблари ҳам бирга яратилади. Агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасагина унга қарилик насиб этади.

***

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар.

Кечаси.

- Ойижон! Сув олиб келиб беринг!

- Ўзинг бориб ичавер.

- Олиб кела қолинг!

- Яна бир марта шунақа десанг қайиш билан савалайман!

- Қайишга турганингизда сув ҳам ола келинг!

ТЕЗЮРАР ЭТИК "ЭКСТРА" МИ, "ПАРКО ПИККОЛЛО"?

Бу ажиб дунё

Уфадаги Давлат авиация университетида "чопишни моторлаштирадиган қурилма" /халқ тилида-тезюрар этик/ ихтиро қилинди. Унга "Сайгак" деб ном берилди.

Оддий ва ишонарли қурилма билан чопиш пайтида 3 метргача қадам ташлаш мумкин ва 70 фоизгача инсон кучи тежалади. Қурилмага ёқилғи билан ишлайдиган кичик двигатель ўрнатилган бўлиб, унинг асосида электрогенератор, оғир болғалар ва бошқа кўпгина қурилмалар ясаш мумкин.

Уфада "Сайгак"нинг фақат намуналари яратилган бўлиб, нархи анча қиммат-донаси 700 доллар.

Расмий равишда рўйхатдан ўтган фирма (Хабаровск) харидорларга янгича маҳсулот — ҳар хил турдаги гўнгни тавсия этмоқда. Қопларга "Уйда тайёрланган хашаксиз мол гўнги", "Бултурги мол гўнги — Экстра", "Уч йиллик мол гўнги — "Люкс", "Чўчқа гўнги — "Парко Пикколо" каби ёзувлар бир қоғоз ёпиштирилган, унда баҳоси ҳам кўрсатилган.

Ҳозирги кунда фирма ўз маҳсулотида ҳар хил фойдали нарсалар борлигини ва экологик тозалигини тасдиқловчи ҳужжат — сертификатга эга бўлиш учун махсус лаборатория ташкил этмоқда.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

- Биз полвон болалармиз, эчкидан ҳам қўрқмаймиз!

Бахтиёр АКРОМОВ олган сурат.

ТАВАЛЛУД КУНИНГИЗ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Мустақиллик байрами арафасида таваллуд топган сафдошларимиз Самарқанд вилоятидаги махсус мухбиримиз, ўткир қаламкаш Абдуҳамид Худойбердиевни, Бирлашган таҳририят ходими Шерзод Қиличевларни туғилган кунлари билан муборакбод этамиз. Ижодий ишлар ва шахсий ҳаётда муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Таҳририят

Газетамизнинг навбатдаги сони 12 сентябр куни чиқади

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: Н. ТУРСУНЗОДА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Ш. РАЖАПОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 7. Тел: 133-24-41, 132-14-18. «Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.